



PROSPECTS FOR IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF DEBT RECOVERY BASED ON ENFORCEMENT ORDERS

Shohruhmirzo Gaybullaev

Master's Student

Republic of Uzbekistan

Academy of Law Enforcement

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: notary, executive writ, electronic document, digitalization, enforcement, information system, utility debt, state duty, uncontested claim.

Received: 20.06.25

Accepted: 22.06.25

Published: 24.06.25

Abstract: This article substantiates the necessity of implementing the practice of notarizing executive writs in electronic form and submitting them to enforcement authorities electronically. The possibilities of introducing modern information technologies and the gaps in legislation are analyzed. Additionally, a mechanism is proposed for resolving uncontested claims, such as utility debts, through notaries.

ИЖРО ХАТЛАРИГА АСОСАН ҚАРЗДОРЛИКЛАРНИ УНДИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шохруҳмирзо Ғайбуллаев

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: нотариус, ижро хати, электрон ҳужжат, рақамлаштириш, мажбурий ижро, ахборот тизими, коммунал қарз, давлат божи, низосиз талаб.

Аннотация: Ушбу мақолада нотариус ижро хатларини электрон шаклда расмийлаштириш ва мажбурий ижро органларига электрон шаклда юбориш амалиётини жорий этиш зарурати асосланган. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имкониятлари ва қонунчиликдаги бўшлиқлар таҳлил этилган. Шу билан бирга, коммунал қарздорликлар каби низосиз талабларни нотариус орқали ҳал қилиш механизми таклиф этилган.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВЗЫСКАНИЯ ЗАДОЛЖЕННОСТИ НА ОСНОВАНИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНЫХ ДОКУМЕНТОВ

Шохрухмирзо Гайбуллаев

Магистрант

Республика Узбекистан

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: нотариус, исполнительная надпись, электронный документ, цифровизация, принудительное исполнение, информационная система, коммунальный долг, государственная пошлина, беспорное требование.

Аннотация: В данной статье обоснована необходимость внедрения практики оформления исполнительных надписей нотариусами в электронной форме и направления их в органы принудительного исполнения в электронном виде. Проанализированы возможности внедрения современных информационных технологий и выявлены пробелы в законодательстве. Также предложен механизм урегулирования беспорных требований, таких как коммунальные задолженности, через нотариуса.

Кириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мажбурий ижро тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор, Давлат Раҳбарининг ҳар бир соҳани “рақамлаштириш” борасидаги топшириқларига асосан, мажбурий ижро соҳасида ҳам замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва

ижро жараёнида инсон омилини камайитиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш чораларининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Давлат Раҳбарининг:

– 13.03.2018 йилда “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида” ги ПҚ-3597-сон Қарори;

– 24.11.2020 йилда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6118-сон Фармони;

– 03.01.2024 йилда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-1-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Қарор ва Фармонлари мамлакатимизда мажбурий ижро тизимини чинакам янги босқичга олиб чиқди.

Жумладан, бугунги кунда Мажбурий ижро бюро фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилиб, “МИБ-Портал” дастури орқали 32 та ташкилотнинг 63 та йўналишдаги ахборот тизимларига интеграция қилинди. Судлар ва 52 та маъмурий органдан ижро ҳужжатларини электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилди ва бу орқали ҳужжатлар Бюро органларига электрон равишда, ўз муддатида келиб, ижро этиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлари ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонунига кўра, Мажбурий ижро бюроси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижросини таъминлайди.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасида ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари, 7-моддасида эса ижро ҳужжатлари ҳисобланадиган ҳужжатлар тоифаси белгиланган.

Унга кўра, нотариусларнинг ижро хатлари ҳам ижро этилиши лозим ижро ҳужжатларидан бир ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” ги Қонунининг 13-бобида ижро хатлари ёзиш тартиби белгиланган бўлиб, 76-моддасига кўра, қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади.

“Нотариат тўғрисида” ги Қонуннинг 79-моддасига мувофиқ ижро хатида ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси ва нотариуснинг муҳри кўрсатилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Йўриқноманинг

197-бандида “ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда қайд этилиши, қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда ижро хати ёзиш учун жой бўлмаган ҳолларда у алоҳида варақда амалга оширилиши, ушбу варақ қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатга қўшиб тикилиши, рақамланиши ва муҳрланиши” белгиланган.

Бугунги кунда, Мажбурий ижро бюроси ва барча идоралар ўртасида ҳужжат алмашинуви электрон шаклда амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

309-моддасига асосан маъмурий ҳукукбузарликлар тўғрисидаги иш бўйича қарор ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида чиқарилиши ва ижро этиш учун юборилиши мумкин.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 531-моддаси, Фуқаролик процессуал кодекснинг 179 ва 449-моддалари, Иқтисодий процессуал кодекснинг 143 ва 336-моддаларида судларнинг ижро ҳужжати электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, “Нотариат тўғрисида”ги Қонунда ижро хати электрон ҳужжат кўринишида расмийлаштирилиши ва электрон ҳужжат тарзида юборилиши белгиланмаган.

Нотариус-ундирувчи-Мажбурий ижро бюроси ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилмагани сабабли, ижро хатлари “қоғоз шаклда” тақдим этиб келинмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда 27 мингта ижро хатлари “қоғоз шаклда” келиб тушган.

Бу эса ўз навбатида, ижро хатларининг ўз вақтида ижро этилишига салбий таъсир кўрсатиб, ортиқча-сарф харажатлар келиб чиқишига ҳамда фуқаро ва юридик шахслар вакилларнинг оворагарчилигига сабаб бўлмоқда.

Яъни, нотариус ижро хатини ёзиб беради, фуқаро ёки юридик шахслар вакили эса ижро хатини почта хизмати орқали Мажбурий ижро бюросининг тегишли ҳудудий бўлимига юборади ёки ўзи бориб ижро учун топширади.

Ўзбекистон Республикасининг 16.06.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1069-сон Қонуни қабул қилиниб, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлари ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 221-моддаси тегишли қўшимчалар билан тўлдирилиб, бундан буён ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарор ва бошқа ҳужжатлар жисмоний шахсларга-уларнинг ЯИДХП (my.gov.uz) даги шахсий кабинети орқали, шунингдек юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши белгиланди.

Демак, энди ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарор ва бошқа ҳужжатлар жисмоний шахсларга Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига, юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Бу жараёнда нотариуснинг ижро хатларини электрон ҳужжат сифатида шакллантириш ҳамда ундирувчи ва Мажбурий ижро бюросига электрон ҳужжат айланиш

тизими орқали юбориш амалиёти жорий этилмагани ижронинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Россиялик олим В.Гуреев ижро ишларини юритишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, ижро жараёнини электрон тизимга ўтказиш зарурлигини ёзади .

Шу билан бирга, профессор С.С.Гулямов таъкидлаганидек, “Рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали суд ижрочиларининг иш юкламасини 40-45% га камайтириш, қарздорларнинг мол-мулкани аниқлаш ва рўйхатга олиш жараёнини 60-70% га тезлаштириш ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини 30-35% га камайтириш мумкин” деган фикрга келган.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу олимларнинг фикрлари нечоғлик тўғри эканини бугунги кундаги кўрсаткичлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Хусусан, ижро соҳасининг рақамлаштирилиши натижасида бир нафар давлат ижрочисининг бир ойда ўртача ижро ишини тамомлаш кўрсаткичи

2020 йилга нисбатан 4 баробарга ошиб, 266 тага етди.

Кўриб турибдики, бир нафар давлат ижрочисининг ойлик иш юкини бажариш кўрсаткичи 4 баробарга ошгани, рақамлаштириш ушбу йўналишда самарадорликни оширишда нақадар муҳим эканини яққол намоён этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборатдир.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 5-моддасига асосан, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Юқоридагиларга асосан, нотариуснинг ижро хатларини электрон ҳужжат сифатида шакллантириш ҳамда ундирувчи ва Бюро органларига электрон ҳужжат айланиш тизими орқали юбориш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг

171-моддасига кўра, коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса суд буйруғини берилади.

Сўнги йилларда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар, шу жумладан, суд буйруғи тартибида кўриб чиқиладиган ишлар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2023 йилда 483 617 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич

964 195 тани ташкил қилиб, судьяларнинг иш ҳажми қарийб 2 баробарга ошган.

2024 йилда фуқаролик судларида коммунал қарздорлик бўйича 200 мингга яқин шундай иш кўрилган.

Ушбу ҳолат ўз навбатида судьялар иш юклавасининг кескин ортишига ҳамда ортиқча ресурс сарфланишига олиб келиши билан бир қаторда, мазмунан кўриб чиқиши талаб этиладиган даъво тартибидаги ишлар кўриб чиқиши сифатига ҳам таъсир кўрсатади.

Шунингдек, амалиётда таъминотчи корхоналар томонидан кам миқдордаги коммунал қарздорликларни ундириш ҳақида судларга аризалар киритиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024-2025 йилларда Мажбурий ижро бюроси иш юритувига қарздорлик суммаси 300 минг сўмгача бўлган 5 057 та ижро ҳужжати келиб тушган бўлиб, 190 таси электр, 482 таси газ, 4 385 таси сув таъминоти корхоналари ҳисобига тўғри келган.

Мисол учун, бугунги кунда 100 минг сўм коммунал қарздорлиги бор фуқаро суд томонидан қўлланилган 375 минг сўмлик давлат божини ҳам тўлашига тўғри келмоқда.

Бу каби ҳолатлар аҳоли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризадан талаб қийматининг 4 фоизи миқдорида, нотариуснинг ижро хатларидан эса ундириладиган сумманинг 1 фоизи, бироқ БҲМнинг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилади.

Шу сабабли, коммунал қарздорликларини ундириш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишнинг янги механизмларини амалиётга жорий этиш зарурияти мавжуд.

Яъни, коммунал қарздорлиги:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваригача бўлган низосиз талабларни нотариусларнинг ижро хатлари;

- базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваридан кўп бўлган низосиз талабларни суд буйруғи асосида амалга ошириш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бу каби амалиёт мисол учун, Қозоғистон Республикасида мавжуд бўлиб, суд ва нотариуслар ваколатига тааллуқли низосиз талабларнинг аниқ чегаралари белгиланган.

Қозоғистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунига кўра, пул маблағлари ва бошқа кўчар мулклар бўйича талаблар, лизинг, кредит, гаров, ижара, қарз шартномалари, уй-жой масалалари билан боғлиқ ва бошқа қатор масалалар бўйича низосиз талаблар мутлақо нотариус ваколатига берилади.

Ушбу таклиф орқали кичик тоифадаги (БХМнинг 1000 бараваригача) низосиз талабларни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш бўйича фуқаролар томонидан тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдорини қисқартиришга эришилади.

Яъни, низосиз талабларни нотариал тасдиқлаш харажатлари суд буйруғига қараганда 4 мартага кам ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таклифлар амалиётга жорий этилиши

ижро хатини тақдим этиш ва ижроси тўғрисида маълумотларни олиш жараёнини рақамлаштиришга ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божи тўғрисида Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 16.06.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1069-сон Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2018 йилдаги “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3597-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари

ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1-сон Фармони.

13. Гулямов С.С. Ижро ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг истикболли натижалари // Ахборот технологиялари ва ҳуқуқ. – 2023. – №2. – Б. 45-53.

14. Қозоғистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни

15. Гуреев В.А. Исполнительное производство: учебник. – 4-е изд., испр. и доп. – М.: Статут, 2014. – С.123.

16. https://uza.uz/uz/posts/habarlarni-yoritishda-haqqoniylik-muhim-izhro-uzhzhatlaridagi-xatoliklar-asossiz-qarzdorlik-va-taqiqlarga-munosabat_367543.

17. https://uza.uz/uz/posts/mib-219-trillion-somdan-ortiq-undiruvlar-amalga-oshirildi_727347.

18. <https://sud.uz/news-2024-01-05-1/>.

19. <https://sud.uz/news-2025-02-05-1/>.

20. <https://president.uz/uz/lists/view/7911>.